



“03” декабр 2020 й. № 01-06/3696

**Ташқи реклама объектлари  
(конструкциялари) эгаларига,  
ташқи реклама билан  
шуғулланувчи реклама  
агентликларига**

*Нусхаси:* **Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарори билан республикада, шу жумладан Тошкент шаҳрида худудида ташқи реклама объектларини (конструкцияларни) жойлаштириш бўйича тартиблар ўрнатилган.

Ушбу қарор билан тасдиқланган Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 20-бандида – ташқи реклама объектлари (конструкциялари) реклама майдонининг паспорт рақами ва объект эгасининг алоқа маълумотларини кўрсатган ҳолда расмийлаштирилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, мазкур қарор талабларига кўра, ташқи реклама объекти (конструкцияси) реклама майдони реклама конструкцияси эгаларининг логотипи, номи ва боғланиш телефонлари ёзилган лавҳачага эга бўлиши кераклиги белгиланган. (84-банд).

Шу муносабат билан Сиздан, мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда тақши реклама объектларини (конструкцияларини) ушбу қарор талабларига мослаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширишингиз сўралади.

**Директор**



**Э.Хаитметов**